



# *Филология Масалалари*

ИЛМИЙ-МЕТОДИК  
ЖУРНАЛ



2006/4(13)

*Ўзга суҳан аҳли эрур чуи суҳо,  
Чиқса қуёи бўлауси ул бебаҳо (1, 35).*

Алишер Навоий бутун умри давомида комил инсон ~~юксони~~ қўлади. Ушбу буюк вазифа масъулияти, шоир қалбидаги яширин орзу-умидлар, фалсафий мушоҳадалар, комил пирларга хос рушду ҳидоят унинг шеърлигида намоён бўлди. Бундай шараф, сўз қудратидан эркин фойдаланиш, ~~бепоён~~ тахайюл кенгликларига қўлоч отиш имконияти тасаввуф таълимоти тўғрисида. Ушбу таълимот тарқалибдики, Мовароуннаҳр ва Хуросон (Марказий Осиё) зиёлилари диний-илоҳий дунёқарашини белгиловчи асосий ғоя бўлиб хизмат қилиб келган. Айниқса, унинг ирфоний қаноти бўлган “ваҳдат ул-вужуд” назарияси XVII асрдан бошлаб ҳатто Туронзамин ҳукмдорлари орасида ўз мухлисларига эга бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Бу эса, табиийки, давлат ҳудудида ирфоний қарашларнинг оммалашувига сабаб бўлган. Бироқ, диний уламолар ирфоний таълимотнинг, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши ҳамда шаҳар маданиятининг юксаклашувига ижобий таъсирини эътироф этсалар ҳам, унинг халқ орасида кенг тарғиб этилишини истамаганлар. Чунки илоҳий ишқ моҳияти позикликларига яхши тушунмайдиган оддий халқ орасида диний ақидаларни фалсафий-мистик талқин қилишга йўл бериш диннинг заифлашувига лоқайд бўлиш демак эди. Шунинг учун ҳам, XVIII асрда Бухоро амири Шохмурод томонидан авом ўртасидаги ирфоний ҳурфикрликка қарши кескин чоратадбирлар кўрилган. Бу илм билан шуғулланиш фақат “хос”ларга, яъни чуқур диний-фалсафий билимларга эга алоҳида тоифага муносиб иш эди. Чунки уларгина имон ва қуфрнинг чегарасини яхши ажрата оладиган чуқур илмли инсонлар саналар эдилар.

Юртимизнинг охириги ўн асрлик ижтимоий-маънавий тараққиёти жараёнида жамият, асосан, уч табақага бўлиниб ривожланди. Буларнинг бири тасаввуф тариқатларига уюшган нақшбандия, яссавия, қодирия каби бир қанча мистик гуруҳлар бўлса, иккинчиси диний маросимлар ва ақидавий бирлик учун жавобгар бўлган шариаат аҳлидан иборат бўлган. Учинчи табақани эса, дунёвий-диний маълумотларни етарли эгаллаган зиёли амалдорлар, ижодкор шоир ва санъаткорлар тоифаси ташкил этарди. Илоҳиёт, оламнинг тузилиши ва борлиқ муаммоси, инсон ва Тангри таоло ўртасидаги муносабатлар масаласида ҳар бир табақанинг ўз қарашлари ҳамда ёндашув позицияси бор эди.

Хослар ана шу учинчи табақани ташкил этувчи зиёлилар тоифасига тўғри келади. XIX асрда уларнинг юртимиз маданияти ривожидagi ўрни яққол сезилади. Қўқон, Хива саройларидаги адабий муҳитлар, санъат, шеърят, таржимачилик, меъморлик, хаттотлик ва китобат соҳаларининг кескин ривожини, биринчи галда, Коннот ва инсон узвийлиги, Оллоҳ ва инсон бирлиги ғояларидан келиб чиқувчи яратувчанлик ва бунёдкорлик натижасидир. Шунинг учун ҳам зиёлилар тоифаси, асосан, шаҳарларда марказлашган. Улар, гарчи, ўз



Шухрат СИРОЖИДИНОВ

## ИРФОНИЙ ШЕЪРИЯТ АНЪАНАЛАРИ

Мақолада Алишер Навоий орифона қарашларининг кейинги давр адабиётига таъсири ма-  
салалари ўрганилади, шу жумладан, Навоий ва Видоий газаллари қиёсан тадқиқ этилади.

В статье изучается влияние суфийских взглядов Алишера Навои на поэтов следующих  
веков, а также сопоставляются газели Навои и Видои.

The article discusses the impact of Alisher Navoi's educational viewpoints on the literature of  
the following period, including Navoi and Vidoiy's ghazals in comparison.

Алишер Навоий шеъриятини уммонга ўхшатамиз. Ҳали-ҳали унинг жа-  
воҳир тўла тубига ҳеч ким ета олган эмас. Уқувсизлигимиздан азобланиб,  
байтлар қатидаги яширин маъноларнинг маъзини чақиш учун соатлаб китоб  
тытамиз, баҳслар юргизамиз. Барибир кўнглимиз тўлмайди. Навоий даҳосига  
офаринлар айтамиз ва унинг қаршисида тиз чўкамиз. Ич-ичдан нотавонли-  
гимиздан хўрсиниб, яна маънолар устида бош қотиришга тушамиз. Навоий  
дунёсига кириб борганимиз сари унинг ниҳоясига етиш мушкуллигини янада  
теранроқ ҳис эта бошлаймиз. Ушбу кечинмалар бир биз эмас, балки неча  
асрлардан бери ўзбек зиёлиларининг барчасига ҳамроҳ бўлган бўлса ажаб  
эмас. Истеъдодли шоир Муҳаммадниёз Нишотий «Ҳусн ва Дил» достони бо-  
шида бежиз қуйидаги мисраларни битмаган:

*Шеър элидин ул, ки муқаддам эди,  
Ҳар бири бир бахри муаззам эди...  
Яна бири булбули достонсаро,  
Яъни Навоий эрур, ул хушнаво.  
Ўзга эрур донишу фарҳанг анга,  
Этти фалакдур этти авранг анга.  
Этти ақолим узадур моҳ ул,  
Этти қалам аҳлигадур шоҳ ул.  
Гулшани сўз топгали зеби вужуд,  
Чеккан эмас булбуле андоқ суруд.  
Буржи камол узра эрур офтоб,  
Авжи мақол узра муалло жаноб.*

тез-тез бўлиб турғувчи эди. Уларда кўпинча Шарқнинг *зукко* шоирлари Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий асарлари, «Девони Машраб» ўқиларди. Шундай гурунглardan бири менинг ҳам ёдимда...

...1913 йилнинг эрта кўклами эди. Қўшимиз Раҳматулло мисгар гап зиёфати берди. Биз бир тўда болалар ўйнаб юрардик. Бир вақтда октябр ўй ичидан кимнингдир баланд овоз билан гулдираб шеър ўқиётганлигини эшитиб қолдик. Дарров уй деразаси ёнига бориб, қулоқларимизни динг қилиб тинглай бошладик. Болалар ичида шеър ўқиш ва тинглашга ишқивозроғи мен эдим. Қарасам, шеър ўқиётган киши маҳалламиздаги Ўсарбек қори экан. У шеърни шу қадар гўзал ва бежирим ўқирдики, ўтирганлар уни тебраниб, зўр иштиёқ билан тинглардилар. Ўшанда Навоий «Хамса»си ўқилган экан. Чунки Фарҳод, Ширин деган номлар қулоғимда қолган... Менда Навоий ижодига қизиқиш, унга ҳурмат билан қараш ўшанда бошланган»(2, 13).

Каттақўрғондан кўплаб шоирлар етишиб чиққан. Уларни етиштирган адабий муҳитнинг вужудга келишида китобхонлик йиғинларининг ўрни бўлмаган дейиш қийин. Муҳаммадшариф Шавқий(1785—1861), Мирий(1841—1899) Вола(1825—1873), Аҳмад Аҳқар(1860—1919), Остонақул Дабириий(1862—1940), Ҳомид(1881—1942), Видоий, Ноқис, Хоиб, Маҳдий, Ҳакима ва Мутриба(XX аср) каби бир қатор забардаст шоирларнинг бирортаси ҳам шоирликни касб қилган шахслар бўлмаган аслида. Барчалари турли диний-дунёвий мансаблардаги амалдорлар эдилар. Бироқ уларнинг ҳар бири ўзининг теран тасаввуфий-ирфоний қарашларга бой бадиий мероси билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди. Улар учун шеър ижод этиш таъб зарурати эди. Алишер Навоийнинг нозик санъатлар, гўзал ташбеҳлар воситасида очиб берган ботиний кечинмалари манзараларидан ҳайратга тушиб, олам-олам завқ олганлар ва илҳомланганлар. Бунинг натижаси ўлароқ, улуг мутафаккирга эргашиб кўплаб ғазаллар битганлар, гўзал мухаммаслар боғлаганлар. Албатта, бунда Алишер Навоий шеърини беқиёс маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. Шоирлар ўз иқтидорларини синаб кўриш учун Навоийга пайравлик, тақлид қилишган.

Мисол сифатида Видоий Каттақўрғонийнинг Навоийга мансуб «*Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ, Ё бало тоғидан этмиш лолазор изҳор тийғ*» матлаъси билан бошланувчи бир ғазалига ёзган назира ғазалини таҳлил қилиб ўтамиз.

Инсон ўзини ва Оламни чуқур ўрганмас экан, Оллоҳ борлигини тасаввур қила олмайди. Навоийнинг ушбу ғазалида тасвир ниҳоятда кучли, унда ошиқ кечираётган фироқ, ҳижрон азоблари, ёр ишқида чекаётган дарду аламлари чиройли поэтик иборалар воситасида намоён этилади. Видоийда Навоий ғазалидаги ошиқ ҳолатлари, изтироблари янада бўрттирилиб, ошиқ фирони кулминацияга олиб чиқилади. Навоий ғазалида ёр ошиққа тиб санчиб, турли азоблар беради. Видоийда эса, Навоий ғазалида бошланган мавзу давом эттирилиб, ёр ошиқни қатл этиши билан тугатилади. Бу янги ғазал мавзусининг

қарашларида “ваҳдат ул-вужуд” таълимотига эргашсалар ҳам, бу уларнинг оддий мусулмон учун фарз бўлган диний ибодатларни бекаму кўст бажаришларига монелик қилмаган. Улар шеърсевар халқ бўлиб, форсий ва туркий шеърийатнинг ашаддий мухлислари эди. “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти шеърийатнинг позик нуқталарини тушуниш, Илоҳий ишқ моҳиятини англашга кенг имконият берарди. Таълимот тарғиботи шеърхонлик тўғарақларида олиб борилган. Эркақлар алоҳида, аёллар алоҳида ўз йиғинларини ўтказиб борганлар. “Ваҳдат аҳли” аталмиш бу зиёлиларнинг давралари ижод билан шугулланувчи эътиборли шеършунос шахслар томонидан бошқарилган.

Улар асосий ишларидан бўлиб вақтларда йиғинлар ташкил этиб, “ваҳдат” сирларидан сўзлагувчи бадий асарлар мутолааси ва шарҳини тинглаганлар. Йиғинларда, асосан, Алишер Навоий асарлари ўқилган. Буюк мутафаккирнинг асарларида ўз аксини топган гайб хабарлари, илоҳий ишқ дарси шеърийат ихлосмандлари фантазиясини бойитган, бетакрор завқ-шавқ берган ва уларни бадий ижодга илҳомлантирган. Ундан кейинги ўринда Бедил ва Манраб шеърийати туради. Булардан ташқари, Шарқнинг буюк сўз даҳолари Фирдавсий, Саъдий ва Ҳофиз, Жомий ва Фузулий асарлари ҳам кўп ўқилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш ўринлики, бундай китобхонлик давралари, ёки бошқача айтганда, ирфоний суҳбатларни тасаввуф тариқатларида амалга ошириладиган йиғилишлар билан адангирмаслик керак. Юртимиз тарихида “ваҳдат ул-вужуд” таълимотини бош воя қилиб олган “равшания”, “мавлания” каби айрим тариқатлар бўлган. Уларнинг йиғинлари ҳам, асосан, шеърхонликдан иборат бўлган. Бироқ бу тариқатларнинг одоб-қоидалари бизнинг халқимиз тафаккурига тўғри келмаганлиги учун жамият томонидан қораланган. Равшанийлар, ҳатто “ваҳдат ул-вужуд” таълимотини ўз манфаатлари доирасида талқин қилиб, само ўтиришларига аёллар ва жувошларни жалб қилишга ҳаракат қилганлар. Само(тинглаш) деб тариқатлардаги йиғинга айтилади. У зикр ўтиришлари деб ҳам аталади. Яссавияда жаҳрий зикр, яъни даврада овоз чиқариб зикр айтиш қабул қилинган бўлса, нақшбандийлар, аксинча, хафий зикрни, яъни махфий тарзда, ичда зикр айтишни қоидага айлантирганлар. Зикр маросимлари муайян кунларда ўтказилиб, олдиндан эълон қилиб борилган. Юқорида номлари тилга олинган қораланган тариқатларда жаҳрий зикр мусиқа ва Румий шеърлари жўрлигида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам, тасаввуфнинг ирфоний, яъни фалсафий-мистик жиҳатларини талқин этувчи Ибн ал-Арабийнинг “ваҳдат ул-вужуд” назарияси нақшбандия тариқатида улча маъқулланмайди. Биз сўз юритаётган зиёлилар тоифасининг тариқатларга алоқаси йўқ. Шундай “ваҳдат аҳли” мактабларидан бири Каттақўрғон шаҳрида фаолият кўрсатган.

Каттақўрғонлик адабиётшунос Абдулҳамид Мажидий(1902—1939) бу тўғрида қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди: «*Каттақўрғонда бундай давралар*

ҳаловатдан кечиш, ўз нафси майлига зид равишда **ўз вужудини руҳга** бўйсундириш азоб-уқубатларини бўйинга олиш демакдир. **Опиқ ҳажрон** гамининг бепоёнлигини борган сари яхшироқ англай боради ва ёр **васлига муштоқлик**, сабрсизликдан фивон чекади. Бироқ, орқага қайта олмайди ҳам. Чунки Илоҳ ишқи унинг кўнглини батамом забт этган, унинг жисми ёр “пайконлари” билан тўлган. Ҳақнинг инсониятни овир азоблар орқали ишқ моҳиятига ўргатишига сабаб нима? Тасаввуфда, маълумки, Оллоҳ билан қўшилиш учун инсон асл моҳиятига — яратилган пайтидаги сифатларга қайтиши, тўғрироғи, руҳий покланиш, комиллашув натижасида соф «илоҳий нур»лик моҳиятини қайта тиклаши лозим. Сабаби, одамзод ўз ривожидан даври давомида асл моҳиятидан четга чиқиб кетди. Эзгулик ўрнини ёвузлик эгаллай бошлади. Ёруғлик ўрнига зулмат чиқди, инсонлар қалби бу иллатлар таъсири остида заифлик қила бошлади. Моҳиятан, ваҳдати вужуд нуридан туғилган инсон ўз вужуди, нафси ҳиссиётларига асир тушиб, асл моҳиятини унутиб, руҳнинг Мабда томон интилишини секинлаштириб қўйди. Шоҳбайтдаги фикр: *Сен сирру синоат олами пардаси орқасида турганинг учун ҳам нодон халқ сенинг жамолингдан бенасиб. Агар сен борлигингни очиқ намоён қилганингда халқ дарҳол асл моҳиятни тушунган ва бу дунё иллатлари-ю ёвузлик ва қабоҳатдан воз кечган бўлар эди.*

Навоий:

*Лолагун бўлмиш сўрарда қатлима дилдор тийғ,  
Е бало тоғидан этмиш лолазор изҳор тийғ.*

*Дилдор қатлим учун тиг сурди. Унинг тиги лоларанг тусга кирди. Ёки бало тоғининг лозазорини эслатмоқчимиз? Ёр ўзининг гўзаллиги билан ошиқ шоирни шунчалар мафтун этганки, унинг ҳар бир нигоҳи қалбини ўртайди. Ошиқ унга этишиш учун маълумқанинг барча ситамларига тайёр. Шоир тигининг лоларанг тус олганлигини айтар экан, бу ташбеҳ орқали ошиқнинг гўзал ёр ҳажрида бағри қонга тўлганлигини таъкидлайди. Байтда тоғ ва лозазорнинг мутаносиблигидан бало ва тигининг мазмунини очипда фойдаланилган: Тоғнинг ён бағирлари лолалар билан қип-қизил бўлгани сингари, балонинг ҳам гирд-тевараги қип-қизил қон. Тоғ лозазор билан — бало қон билан. Хунолуд тиг — бало даракчиси.*

Шоир тажоҳил ул-орифона санъати воситасида ёрнинг қатл қилиш учун сураётган тиги бало келтиришидан, ошиқни ишқ азобларига маҳкум этишидан дарак бераётганлигига ишора қилади. Бешинчи байтда бу фикр ўзгача оҳангда маромига етказилган:

туташ чизиги Видоийнинг Навоий ғазалидаги якунловчи олтинчи байтда кўтарилган ғояни ўзига матлаъ қилиб олганлигида намоён бўлади:

Навоий байти:

*Олам аҳли қатлини бир дамда қилсанг орзу,  
Юздин ол бурқаъни, қиндин чекмағил зинҳор тийғ.*

Видоий ғазали матлаъси:

*Қасди қатлим токи қилдинг, чекмағил эй ёр, тийғ,  
Бурқаъ олиб юздин, ўлдур, бўлмасун хунбор тийғ.*

Навоий байти шарҳи: *Ошиқ учун ишқ азобидан кучлироқ тиф йўқ. У ёр юзини кўриш, унинг рухсорини томоша қилиш ниятида ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уради. Бироқ ниятига етолмайди. Оқибатда ошиқ ранг-рўйи заъфарон бўлиб, ёр васлидан бошқа нарсани ўйламай қўяди, дунё ташвишларини унутиб, девона мисол кўчама-кўча юриб, оҳлар тортади, фиғонлар чекади. Ниҳоят, ёрни топгач, унинг рухсоридан баҳраманд бўлгач, чеккан азоб-уқубатлари, кўрган юз минг балолари ўз ишини қилиб, ёр остонасида ошиқ жон берса не тонг! Шоир айтмоқчи, ошиқни бундай қатл этишдан кўра, юзингдан пардани кўтар, жамолингни кўрган заҳотиёқ бутун олам аҳли ўз жонларидан воз кечадилар!*

Агар ғазалларга тасаввуф ғоялари жиҳатидан назар ташланса, уларнинг асосини Ҳақ васли ҳажрида ёнаётган ошиқ изтироблари ташкил этишини мушоҳада қилиш мумкин. Юқорида келтирилган Навоий ғазалининг якунловчи байтида шоир тўғридан-тўғри Ҳаққа мурожаат этмоқда.

Ёрдан юзидаги пардани кўтариш сўралган байтларни улур форс-тожик ва ўзбек классикларидан тортиб XIX аср ўзбек ва тожик шоирларининг ижодларидан исталганча келтириш мумкин. Парда — Оллоҳ ва инсоннинг бирлашувига тўсиқ бўлувчи моддий олам, унинг мавжудлиги тақозо этадиган нафсий боғланишлар системаси, инсоннинг билимсизлиги, хуллас, уни қисқача тарзда маърифат босқичлари деб аташ мумкин. “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти бўйича борлиқ сурати Илоҳий моҳиятнинг мазҳари ва Илоҳ вужудининг шаҳодатидир. Демак, олам — шаҳодатлар(шуҳуд) олами ва исбот китоби. Ҳақ олами улкан китоб бўлиб, кичик олам — инсон эса ўша катта китобнинг қисқартирилган, кичиклаштирилган нусхасидир. «Катта китоб»да нима ёзилган бўлса, «кичик китоб»да ҳам ўз аксини топган. Шу сабабли ким “кичкина китоб”ни ўқий олса, катта китобни ҳам ўқишга эришади.

Ниқоб — Ҳақ билан инсон ўртасидаги олам, бу олам асмоъ(исмлар, сифатлар) оламларидир. Инсон Ҳақ ишқида ёниб, унинг васлига етишиш учун камолот мақомларидан ўтар экан, олам сирларини бирма-бир очиб, яъни ниқобларни кўтариб, сўнг Ҳақ висолига эришади. Бу иш осон эмас ва ҳузур-

Шоир учинчи байтда гўзал ёр тиги менга ~~етганим дардан~~ ~~қўлимни~~ тугмаганим учун қотил (ёр) мендан хафа бўлмасин, ~~дея ва унинг тиги мендек~~ ишқ дардида тўзиб бўлган кишини сўйишда қийналмаслиги учун дарҳол жонимни фидо қилдим, дейди. Тигининг озор чекмаслигининг сабаби, ~~сенинг~~ тўртинчи байтда изоҳланади: *Жисмим сенинг отган ўқларингга тўлиб-тошган. Аммо мен фақат шуни ўйлайманки, сен мени сўйиш фикрида бўлсанг, тигинг жисмимдаги ўқларга қадалиб нокор (ўтмаслашиб ёки синиб) қолмаса яхши эди.*

Видоийда ҳам ошиқ ёр ғамидан қуруқ суякка айланиб қолган, уни сўйишда тиг синиб кетишидан қўрқади. Навоий тиг пайконлардан озор топиши мумкин, деб ўйласа, Видоий уни қувватлаб, ошиқ аҳволини янада бўрттириб кўрсатиш мақсадида ёр дардида озиб, тўзган ошиқнинг суякдан ўзгаси қолмаган вужудида тиг синиб, кераксиз бўлиб қолмаслиги учун эҳтиёт бўлиб нимталашни сўрайди. Ҳар иккала шоир бу байтларида бир мазмунни — ёр жафокаш бўлса ҳам, ошиқ унга бирор азоб етишини хоҳламаслигини ифода этадилар. Ушбу байтлар разал мазмуни, руҳияти, ғоясининг асосини ташкил этиб, Видоий Навоий ифодалаган мазмунни давом эттирган, унинг маъноларига аниқлик ва тасвир воситаларига қўшимчалар киритган. Қўйидаги байтларда ҳам мавзунинг тадрижий давоми яққол кўзга ташланиб туради. Масалан, Навоий:

*Гул тани юз чок ўлуб, бу ким бўялмиш қон аро,  
Тегди ғамзанг хайлидин гўё анга бисёр тийё, —*

деб, гулнинг баргларини лахта-лахта қонга ўхшатар экан, гул танаси маъшукнинг ғамзаси тигидан қонга бўялди, яъни ошиқ қалби дилдор ғамзасидан ярадор бўлиб, бир дарди мингга айлангани, унинг васлита эришиш машаққатидан қонлар ютиши, кўзёшлар тўкишини тасвирласа, Видоий:

*Бўлмасайди ташна гар ушшоқларни қонига  
Нега ҳар қун қатл этиб, қонин ичар хунхор тийё? —*

дея тигининг мазмунини, унинг фалсафий моҳиятини очиб беради. Ишқ тиги — қонхўр тиг. Бу — ошиқнинг қалбини пора-пора қилган фироқ азоби, ҳижрон ғами, айрилиқ ўртанишлари-ю, васлдан бенасиблик, аччиқ қисмату бахтинигунлик, Навоий айтган «тийғи бало». У ошиқларнинг қонига ташна, ичмаса, ўлдирмаса, тура олмайди. Тасаввуф нуқтаи назаридан бу — азал қонуни: ишқ тигларидан қалбинг пора бўлиб, унинг шартларини бажо келтирмагунингча, руҳан покланмагунингча, Ҳақ висолига ета олмайсан, яъни:

*Эй Видоий, шукр қил, жон бирла миннатдор бўлуб,  
Олмайин жонингни то, кўрсатмади дийдор тийё.*



*Ишқ дашти сабзасидин лола ҳар ён сочилур,  
Яъни ул саҳро гиёҳи бор эмиш хунбор, тийё.*

*Ишқ дарди шундай дардки, унга мубтало бўлган киши ёр ҳажрида, фироқда кўп кўзёшлар тўкиши, қалби қон бўлиб, дилдор васли орзусида неча-неча азобларга дучор бўлиши турган гап.*

Баҳор пайти яйловни лолақизғалдоқ босиб кетиши навниҳол ёр ҳажрида ошиқ тўккан қонларга — кўзёшларга ўхшатилади. Ишқ дашти сабзаси ташбеҳи орқали шоир нима демоқчи? Ишқ дашти — ошиқ қалби. У ёрнинг дардида куйиб, даштга айланган. Сабза — гиёҳ, яшиллик, кўклам. Даштни яшартирувчи, яшнатувчи ва қайта тирилтирувчи куч — кўклам. Даштнинг яшаш моҳияти кўклам билан чамбарчас боғлиқ. Баҳор, яъни кўклам келгач, дашт жонланиб, беқиёс гўзаллик касб этади. Шоир дашт сабзаси бўлган лолага ишқ аталмиш саҳронинг гиёҳи, яъни муҳаббатни ўхшатар экан, ошиқ қалби фақат муҳаббат билан тирик, инсонга ҳаёт, қувонч завқини берадиган нарса фақат муҳаббат эканлигини таъкидлайди. Шоир яна лолани тасвир объекти қилиб олар экан, кўкламда даштнинг лолага бурканишини, даштнинг бағрини тилиб, кесиб бош кўтарган гиёҳ туфайли бошдан — оёқ қонга белангандек бўлишини мажозий дашт, яъни ошиқ қалбининг ёр томонидан тиф воситасида тилиниб, қип-қизил қилинишига ташбеҳ этади ва саҳро гиёҳи — муҳаббат қонли тиф эмиш, дейди. Видойда ушбу байт мазмунидан англашилган тиф тасвири янада чуқурлаштирилиб, Навоий байтининг бевосита давоми ва ривож сифатида яқунланади:

*Ўлдирурда ишқ аҳлини сачрагон қони била  
Дашту саҳроларни қилди ҳар сори гулзор тийё.*

Видойй ғазалининг иккинчи ва учинчи байтларида матлаъдаги мазмун ривожлантирилади, яъни ёр уни қатл этиш мақсадида тиф тортмоқда, ошиқ унга мурожаат этади:

*Йўқдур, эй жон ўлмағимдин зарра жон ваҳми манго,  
Қўрқарам то устухондин бўлмағай ноқор тийё.  
Чун танимни чок-чок айларда қилғил ихтироз,  
Жисм аро пайқонларингдин топмасун озор, тийё.*

Бу билан Видойй Навоий ғазалининг қуйидаги учинчи ва тўртинчи байтлари мазмунини янада бойитмоқда:

*Тийё тортиб етгач-ўқ қилдим фидоси жонниким,  
Бўлмағай озурда қотил, кўрмағай озор тийё.  
Жисм пайқонинг била тўлди-ю, жондур ғамдаким,  
Айласанг қатлимға рағбат, бўлмағай ноқор тийё.*

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тасаввуфдаги “ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ўз яшовчанлигини шеърият орқали таъминлади. Унинг ғоялари шоирлар ижодида янада кенгайтирилди ва чуқурлаштирилди. Бу анъананинг бардавомлигини Алишер Навоий ва унинг издошлари мисолида кўриш мумкин. Улуғ шоир ижоди сирларини ўрганиш, унинг ирфоний ғояларини таҳлил этиш фақат ўзбек шоирлари эмас, балки ирфоний билимларга чанқоқ зиёлилар учун манбаъ ва ҳидоят қўлланмаси вазифасини ўтаган.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нишотий. Хусн ва Дил. Лирика. — Тошкент, 1967.
2. Сирожиддинов С. Абдулҳамид Мажидий. Адабий портрет. — Тошкент, 1982.